

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

(ЯНГИЕР ШАҲАР ВА БОЁВУТ РАЙОН ПАРТИЯ
КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДАН)

лиш қатнашчилари Совет
қўшунлари Коммунистик партияси
Ўзбекистон Комитети номига яқдил-
лан мактуб қабул қилдилар.

Т. 26 ДЕКАБРЬ, 1959 ИИЛ.

М. В. ФРУНЗЕ УЙ-МУЗЕЙИДА

Қирғизистон ССР пойтахтининг Фрунзе кўчасидаги 118- ҳовлида кичкинагина уй бор. Бу ерда 1885 йилда улуғ қўмондон М. В. Фрунзе туғилган. Уй 20 йилдан эриқ бўдики, музейга айлантирилган.

Музей ҳодимлари, — дейди илмий ҳодим Людмила Васильевна Кулишова, — Михаил Васильевичнинг ҳаётига оид материалларни мунтазам равишда тўплаб музейни бойитиб келмоқдалар. Масалан, илмий ҳодим Ш. Ералиева ақинда Фрунзе номи Москва ҳарбий академиясининг кабинет музейида бўлди. Уртоқ Ералиева у ердан жуда қimmatли фотосуратлар ва ҳужжатлар билан қайтди. Келтирилган экспонатлар ичидан М. В. Фрунзенинг сиёсий махбўслар гуруҳи билан Манзура қишлоғи (Иркутскдан 200 километр нарида)да сургунда бўлганлигини кўрсатувчи фото сурат ва бошқа тарихий материаллар бор.

Музей экспозициялари ақинда топилган ана бир неча ҳужжатлар билан тўдирилди. Булар

Ўқувчилар заводида

Силлиқ, бежирим хром, шевро сингари терлар ва мўйна маҳсулотлари тайёрлайдиган Тошкентдаги кўн-мўйна заводида 40-ўрта мактаб ўқувчиларини кўп учратиш мумкин. Улар ҳафтада 2—3 марта завод цехларига келиб, меҳнат дарси ўтказиладилар. Маана, заводнинг тери голаш цехи. Цехда 9-синф ўқувчилари моҳир ишчиларга кўмаклашмоқдалар.

Бу ерда тери пиширишнинг дастлабки операциялари олиб борилади, тери ошланади. Ҳозир тери нам, уни қуритиш керак, — деб тушунтиради завод бош инженери ўртоқ Бутров. — Ўқувчилар инженернинг таълимига, масалаҳатларига диққат билан қўлоқ солиб, уста ўргатган ишларни қўл билан бажаришди. Қизлар мўйна тайёрлаш процесслари билан танишмоқдалар.

Завод цехларида ўтаётган меҳнат дарслари ўқувчиларнинг билимларини бойитишга, ҳунар эгаллашларига ёрдам беришда.

М. САБДУЛЛАЕВА.

УЙ ҚУРИШ КОМБИНАТЛАРИ УЧУН ТЕЗ ҚОТАДИГАН БЕТОН

Ўзбекистон ССР Қурилиш министри Марказий лабораторияси йирик панелли уй қуриш индустрияси учун тез қотадиган бетоннинг махсус янги хилни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқди. Бу бетоннинг ақинда иш бошлаган Тошкент уй қуриш комбинатида қўлланилиши қўлпилаш усулларининг оборотий тўрт баравар тезлаштирилди.

Янги маркадаги тез қотадиган бетон Хилково заводи томонидан цементта махсус кимё моддалари, жумладан хлорид калций ва сувсиз гипс қўшим билан тайёрлаб чиқарилаётган цемент асосида яратилди. (ЎзТАГ).

Оржоникидзе районида

ҚУРИЛИШ БРИГАДАЛАРИ

Райондаги «ХХI партсъезд» совхозида қурилиш бригадасини бўйлайтиришга алоҳида аҳмият беришмоқда. Ҳозир совхознинг барча бўлимларида ана шундай бригадалар ташкил қилинган. Қисқа вақт ичида қурилиш бригадалари кучи билан 3-бўлимда сабабот маҳсулотлари сақлайдиган оғир, чўчкахона, 4-бўлимда ошхона, бузоқхона ҳамда марказий бўлимда 3 та кўп хонали уй-жой биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Шу кунларда қурилиш бригадаси аъзолари қурилаётган объектларни тездор битказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

ЯНГИ АВТОБУС МАРШУТИ

Район территориясида ақинда Иттифоқида энг йирик қисобланган йирик панелли тайёр уйлар комбинати нинга туширилган эди. Ана шу комбинатда ақинда Сквер-Панель заводи маршрутдаги пассажир автобуси қатъий бошлади. Шунингдек, Тошкент-Сергеди маршрути бўйича ҳам автобус қатъий йўлга қўйилди. Натияжада ана шу маршрутларда қатновчи меҳнатчилар учун катта қулайлик туғилди.

САВДОНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

Райондаги қишлоқ магазини ўрнида ақинда ўнги-ўнги хизмат қилувчи янги «савоат моллари» магазини очилди. Унда бир неча бўлим бўлиб, харидорларга турли ассортиментда савоат моллари сотилаётган. Айниқса, шу кунларда кийим-кечак ва пойфазал бўлимлари харидорлар билан гавжум бўлмоқда. Харидорлар танлаган кийимларини ўзлари олиб килиб кўрадилар. Бунинг учун зарур қулайликлар яратилган.

С. МУХИДИНОВ,
И. РУСТАМОВ,
М. МИРЗАЕВА.

орасида 1919 йил майида Шарқий фронт қўшинларининг жаңибуйи группасига берилган бўлиб, М. В. Фрунзенинг Врангелга юборган радиогрaммaти ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг нусхалари бор.

М. В. Фрунзенинг Ўрта Осиёдаги фаолиятини кўрсатувчи фактлар айниқса қизиқарлидир. 1920 йилда Куйбишев ва Фрунзенинг Тошкент вокзалида кутуб олинини ва М. В. Фрунзенинг Ўрта Осиёдаги темир йўл станцияларидан бирига келиши тасвирланган расмлар шулар жумласидандир.

Расм А. Сгибнев Қирғизистон ССР бўйлаб қилган ижодий сафаридан сўнг, у тўплаган материаллар асосида музейда янги бўлим очиб имкони туғилди. Бу бўлим «М. В. Фрунзе Туркистон ўлкасида» деб аталади.

Уй-музей учун материаллар тўплашда М. В. Фрунзенинг ақини Михаил Ильич Терентьев (бу киши ҳозир Тошкентда ашайди) ва қўмондоннинг ҳозирги вақтда Қирғизистонда ашайдиган қариндошлари — Мария Пракофьевна Бочкарева ва Юлия Яковлевна Кургановалар катта ёрдам қилмоқдалар.

Г. НАБОЙШЧИКОВ.



Чилонзор массивида 1958 йилда ишга туширилган сут комбинати шахар атрофидаги жуда кўп қолхоналардан сут қабул қилиб, қатқик, қаймоқ, творог каби ўндан ортиқ сут маҳсулотлари тайёрлаб чиқармоқда. Комбинат тайёрлаган маҳсулотларини шахар магазинларидан харидорлар мамнун бўлиб сотиб олади. Агар комбинат янги ишга тушган дастлабки кунларида 15 тонна маҳсулот берган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 60—70 тоннага етмоқда. Корхона коллективи ҳозир қимиз, прессланган қаймоқ ва айрон ишлаб чиқаришга тайёрларлиқ кўрмоқда.

А. Холқов чизган расм.

БЎЛАЖАК ДЕНГИЗ ОСТИДА ЎН ИККИТА ҚАСР

ТЕРМИЗ, (ЎзТАГ мухбиридан). Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги Тарих ва археология институти, Ленинград эрмитажининг олимлари ва ўлгани ўртада эътиборини жалб этди. Утган асрининг охиридаги машҳур ирригатор Д. Д. Бунининг ва шарқшунос А. А. Семенов бу ерда қадимий замон моддий-маданиятининг ёдгорликлари бор, деган фикрини айтган эдилар. Эндиликда совет археологлари бу фикрларнинг тўғри бўлиб чиққанлигини тасдиқладилар.

Биринчи Чаептепа тепалигини қазиганда бир минг квадрат метрга яқин майдонни эгаллаган каттакор бир бино топилди. Бу бинодаги 26 хона ва маросим зали иккита коридор билан боғланган. Бу бино архитектура жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Унинг ҳамма деталлари ишт, ҳар хил блоклардан тортиб, гўмбазларига қадар оддий лойдан қурилган.

Имомтепа деган тепалик ичида бир ярим квадрат километрга яқин майдонни эгаллаган янада каттакор бино топилди. Бинонинг хоналаридан бирида 12 та хум парчалари топилди. Хумларнинг тағида қорайиб кетган бугдой, чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг уруғи бор эди. Қадимий қаср залларидан сопол идиш қолдиқлари, қайроқ тошлар, керамика турмалар ва бошқа ҳунармандчилик буюмлари йиғиб олинди. Топилган буюмлар орасида еттинчи асрдаги сугдилар тангаси ҳам бор.

Қазилар ишларини олиб борган археологлар қолган ўн та тепаликда ҳам йирик қаср ишоотлари бор, деган қатъий фикрга келдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу қасрларнинг ҳаммаси бешинчи-еттинчи асрларда, яъни Ўрта Осиёнинг бу районида феодал муносабатлар вужудга келган даврда қурилган. Эндиликда Ўзбекистон тарихида янги бетлар очилди.

Текшириш ишлари олиб борилган территория қарийб икки юз квадрат километрни ташкил этади. Ўз шакли жиҳатидан оддий тепаликларга сира ўхшамаган ўн икки та тепалик тарихчиларнинг алоҳида эътиборини жалб этди. Утган асрининг охиридаги машҳур ирригатор Д. Д. Бунининг ва шарқшунос А. А. Семенов бу ерда қадимий замон моддий-маданиятининг ёдгорликлари бор, деган фикрини айтган эдилар. Эндиликда совет археологлари бу фикрларнинг тўғри бўлиб чиққанлигини тасдиқладилар.

Биринчи Чаептепа тепалигини қазиганда бир минг квадрат метрга яқин майдонни эгаллаган каттакор бир бино топилди. Бу бинодаги 26 хона ва маросим зали иккита коридор билан боғланган. Бу бино архитектура жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Унинг ҳамма деталлари ишт, ҳар хил блоклардан тортиб, гўмбазларига қадар оддий лойдан қурилган.

Имомтепа деган тепалик ичида бир ярим квадрат километрга яқин майдонни эгаллаган янада каттакор бино топилди. Бинонинг хоналаридан бирида 12 та хум парчалари топилди. Хумларнинг тағида қорайиб кетган бугдой, чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг уруғи бор эди. Қадимий қаср залларидан сопол идиш қолдиқлари, қайроқ тошлар, керамика турмалар ва бошқа ҳунармандчилик буюмлари йиғиб олинди. Топилган буюмлар орасида еттинчи асрдаги сугдилар тангаси ҳам бор.

Қазилар ишларини олиб борган археологлар қолган ўн та тепаликда ҳам йирик қаср ишоотлари бор, деган қатъий фикрга келдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу қасрларнинг ҳаммаси бешинчи-еттинчи асрларда, яъни Ўрта Осиёнинг бу районида феодал муносабатлар вужудга келган даврда қурилган. Эндиликда Ўзбекистон тарихида янги бетлар очилди.

СОРА ЭШОНТЎРАЕВА «ҚИЗЛАР КЛУБИ» МЕҲМОНИ

Тошкент тўқимачилар институти ҳузурида очилган «Қизлар клуби» аъзолари турли темаларда қизқарли кечалар ўтказиб турадилар. Яқинда ўтказилган кечага Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ва Ўрта Осиё Давлат университетидан ҳам студентлар таклиф қилинди.


Меҳмонлар ва кечага таклиф этилган меҳмонлар бу сафар СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева билан учрашдилар. Тўқимачилик институти технология факультетининг III курс студенти В. Аҳмедова йирилганларга истеъдодли санъаткор С. Эшонтўраеванинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг С. Эшонтўраева кеча қатнашчиларини ўзи директорлик қилаётган Ҳамза номи академик драма театрининг ижодий плавлари билан таништирди. Сўнгра у, «Алишер Навоий» ва «Бой ила хизматчи» спектаклидан монолоғлар ўқиб берди.

Сермазун ва кўнгилли ўтган кеча охирида клубнинг бадиий ҳаваскорлар тўғраги аъзолари ижросида концерт қўйиб берилди.

С. ТУРДИЕВ,
Р. ҚОДИРҲУЛОВ.

Телевизор Экранида

26 ДЕКАБРДА
19.00. Болалар учун эшит-тириш.
19.50. «Сатира ва юмор».
Қисқа метражли фильм — «Бир минут жим турунг».
20.10. Сўнгги ахборот.
20.40. Фильм-спектакль — «Любовь Яровая» (1-серияси).
22.05. Ўзбек мағомларидан парчалар.



Тайёр маҳсулот фурсатини ўтказмай заказчиларига юборилди.
В. Салов фотолари.

Болалар зерикшишмайди

Эрта-индин мактабларда ўқишлар тўхтаб, ўқувчиларнинг кувноқ каникул дамлари бошланади. Ёш-ёш ўқувчи ва пионерлар гузал арча атрофини, қишки спорт майдонларини, болалар ихтиёрига берилган тамоша залларини тўлаиб ўйин-кулгини авжига чиқарадилар.

Энг натта тамоша Свердлов номи концерт залида бўлади. Бу ерда ташкил қилинган умумшаҳар арчасини каникул кунларида 30 мингдан ортиқ ўқувчи келиб кўради.

Барча париларда, стадионларда катонлар ташкил қилинади. Бу ердан болалар чена ва коньчилар олиб келган устиди қиш завқини суришлари мумкин.

Пойтахтимидаги мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда болалар бали, эрталиги, ҳаваскорлар номини, спорт мусобақалари ҳамда ишлаб чиқариш ин-горлари, ёзувчилар, композиторлар ва олимлар билан учрашувлар ўтказиладилар.

Машинага ўрнатилган «сайёҳ-арча» маҳаллаларга, йирик корхоналарга «сафар» қилади, у ердаги ишчи ва хизматчилар болаларига аниқ йил тамошалар кўрсатади.

Шаҳардаги пионерлар саройлари ўқувчиларнинг Самарқанд, Бухоро, Ошангарон ва Чирчиқ сингари шаҳарларга туристик походуларини уюштириладилар.

Каникул кунларида Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистон ССР мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

Пойтахт кино-театрлари, цирк ва бошқа тамоша залларида мактаб ўқувчиларининг қишки каникули тамом бўлгунча махсус репертуар билан болаларга тамошалар кўрсатилади.

С. МУСАЕВ.



Меҳр билан беэадик,
«Яшил меҳмон» — арчами.

Янги йилда ўйнаймиз,
Она-ўка — барчами.
М. Нуриддинов фототўюди.

Редактор: З. ЕСЕНБОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМИ ТЕАТРАДА — 26/ХI Оқпадар (билетлар сотилган), 27/ХI да кундуз Айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим, кечурун премьера Тоға-жиялар. (Билетлар сотилган).

НАВОИЙ НОМИ ТЕАТРАДА — 26/ХI да Дилором, СССР халқ артисти Саодат Қобилова ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Саттор Ярашев иштирок этади. Директор — СССР халқ артисти Мухтор Ашрафий, 27/ХI да кундуз Севили саргароши, кеңурун Трубатур.

МУҚИМИЙ НОМИ ТЕАТРАДА — 26/ХI да Раҳман ва Зулумор, 27/ХI да Ошқ Гариб. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Айиқлар цирки» аттракцион. Айиқларини ўргатувчи — РСФСР халқ артисти Валентин Филатов. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Яқинда кун 3 марта тамоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

Граждан Брех — «БАТАН» (кундуз ва кечурун). Арафа — НАВОИЙ номи (эрталаб соат 10 ва кеч 10 яримда), «ИСКРА» (кундуз соат 4-35 минутта ва 2-завда кеч 10-40 минутта).

Насриддин Хўжаанда — НАВОИЙ номи (эрталаб соат 11-40 минут, кундуз 1 ярим, 3-20 минут, кеч 5, 6-50 минут ва 8-40 минутта).

Юкори табақага кириш йўли — «ИСКРА» (кеч соат 5 дан), «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ПИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 3, кеч 5, 9 ва 10 яримда), «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 ярим, 11 ярим, кундуз 1 ярим, 3 ярим, 4 ярим, кеч 6 ярим, 8 ярим ва 9 яримда).

Дадам, ойим, хотиним ва мен — «КОМСОМОЛ 30 ПИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ПИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 ва кеч 7 да), «СПУТНИК» (кундуз соат 12 ярим, 2 ярим ва кеч 7 яримда).

Киши фикрини ўзгартирди — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим, кеч 5 ва 8-20 минутта).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида
1 январдан 10 январгача
АРЧА
«Айиқлар кўргани борамиз»
Энг йирик совет аттракцион
«Айиқлар цирки»
иштирокида
КАТТА БАЙРАМ
ТАМОШАЛАРИ

Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади. Коллектив бўлиб келиш учун заавалар қабул қилинади.

СВЕРДЛОВ НОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26 ва 27 декабрда
«БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
концертлари

Бадиий раҳбар ва бош билетмейстер — СССР халқ артисти, Мукарамма Турғунбоева.
Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Кундуз Мирраҳимов, Эрташ Шукруллаев, Яхонд Ёшлар фестивали лауреатлари Клара Жалалова, Фозил Хайронов, солистлардан Тўхта Нўздосева, Холисон Қодирова, Энг Ҳамдамов ва қилди чоғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

В. А. Сергеевнинг ТИНИМСИДА 15 декабрда белгиланган ДИSSERTАЦИЯСИНИ ЕҚЛАШ
1959 йил 26 декабрда кўчирилди
ва кундуз соат 1 да бўлади.